

АНЬАНАВИЙ КУТУБХОНАЛАРДАН ИНТЕГРАЛЛАШГАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА САРИ

Клара Дусёрова

ҚарДУ “Адабиётшунослик” кафедраси ўқитувчиси.

АННОТАЦИЯ

Юртимизда ёши авлоднинг маънан ва жисмонан соглом, етук ақл-заковат эгаси бўлиб етишишилари учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмоқда. Фарзандларимизнинг ўқимишили, ўзлари эгаллаётган соҳа учун етук кадр бўлиши кўп жиҳатдан китоб ва кутубхоналар фаолиятига боғлиқ.

Калим сўзлар: “ZiyoNET”, интеграллашган ахборот-кутубхона, масофали ўқиши, адабиётлар, электрон каталог, китобхон.

ABSTRACT

In our country, every care is being taken for the young generation to grow up mentally and physically healthy, possessing mature intelligence. Our children's well-educated, mature staff for the field they occupy depends to a large extent on the activities of books and libraries.

Keywords: "ZiyoNET", integrated information-library, distance reading, literature, electronic catalog, reader.

АННОТАЦИЯ

В нашей стране делается все возможное, чтобы молодое поколение росло психически и физически здоровым, обладающим зрелым интеллектом. Хорошо образованные, зрелые кадры наших детей для той области, которой они занимаются, во многом зависят от деятельности книг и библиотек.

Ключевые слова: «ЗиёНЕТ», интегрированная информационно-библиотека, дистанционное чтение, литература, электронный каталог, ридер.

КИРИШ

Тезкор замонда яшайпмиз. Технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келган. Бугун мустақил Ўзбекистонда ҳар бир таълим, маданият, саноат, алока, соғлиқни сақлаш умуман ҳамма соҳа корхона, муассасалари ахборот коммуникация технологиялари билан тўла жихозланган. Масофали ўқиши, видеоконференция, қитъалараро мулоқот ва бошқа ахборот алмашинувлар бугун оддий ҳолга айланиб қолмоқда. Дунёнинг қайсиdir чеккасигача рўй берган воқеани ёки спорт мусобақасини оддий қишлоқ боласи ҳам интернетга уланган мобил телефони ёки компьютери орқали бир неча сонияларда билиб оляпти. Бинобарин, бугунги технологиялар вақт ва масофа тўсифини сонияларда забт этишга муваффақ бўлмоқда. Биз бундай кашфиётлардан

халқимиз маънавиятини ва маърифатини юксалтиришда фойдаланишга қаратаётганимиз эса нур устига аъло нур бўлиши табиий. Айтайлик, Интернет ёки бугуннинг энг зарурй таълим тармоғи “ZiyoNET” орқали ёшларимиз бадиий ёки илмий, дарслик адабиётларини мутолаа қилишаётгани эса ҳаммани қувонтираяпти.

Мамлакатимизда ахборот -кутубхоначилик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс маркази хизматларини ривожлантириш, жамғармаларини босма ва электрон нашрлар билан бойитиш, Республиканинг йиғма электрон каталогини яратиш, ахборот-кутубхона муассасаларини интеграциялаш яъни ўзаро улаш масалалари хал этилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори соҳа ривожида ўз ўрнига, алоғида аҳамиятига эга.

Юртимизда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом, етук ақл-заковат эгаси бўлиб етишишлари учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилинмоқда. Фарзандларимизнинг ўқимишли, ўзлари эгаллаётган соҳа учун етук кадр бўлиши кўп жиҳатдан китоб ва кутубхоналар фаолиятига боғлиқ. Кутубхоналарнинг янгича номланиши, турлари, типлари янгиланиши бу соҳа фаолиятини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарди. Марказлар томонидан ажратилаётган адабиётлар, ўқув қўлланмалар ва электрон дарсликлар ёшлар изланиши учун қулайликлар туғдирмоқда. Демак бу тизимда иш юритилса, адабиёт етишмаслиги каби муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади. Мамлакатимизда кутубхоначилик соҳасига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани шу соҳа мутахассисларини чексиз қувонтиради. Сабаби, кутубхоналарнинг шакл-шамойили бутунлай ўзгарди. Бугун ҳар хил номдаги ахборот-кутубхона муассасалари халкимизга масофадан туриб хизмат килиш, мутолаа қилиш, адабиётларнинг йиғма электрон каталогини яратиш ва локал, корпоратив тармоққа уланиб, электрон дарсликлардан ва бошқа манбалардан ўқув жараёнларида фойдаланишни ташкил этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

2011 йил ахборот-кутубхоначилик соҳаси учун муҳим йил сифатида эътироф этилган яъни шу йилда Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан «АХБОРОТ КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда мазкур қонун ва қатор қонун ости хужжатлари билан бир қаторда кутубхоначиликка оид З та меъёрий-ҳукуқий хужжат қабул қилиниши ва хужжатлар соҳани жадал ривожлантиришда муҳим

аҳамият касб этган. 2006 йилда қабул қилинган «Республика ахолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарор кутубхоналарда янгича мақомда, янги номда, янги тусда ишлашни тақозо этган бўлса, 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1487-сон қарори соҳа мутахассислари олдига катта ижроси тезкорликни талаб этаётган жиддий маъсулият қўйган эди ва бу вазифалар боскичма-боскич адо этилмокда.

Қарорлар интиҳосида, республикамизда йиғма электрон каталог асосида интеграллашган ахборот-кутубхона тизимини яратиш вазифаси бугун адоғига етай деб қолди. Бунда интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғига уланиш боскичма –боскич жараёнларини ўз ичига олди. Шу боис, барча академик литецей ва касб-хунар коллежларидағи ахборот-кутубхона муассасалари замонавий компьютерлар, сканер, принтер, факс, модем, телефон билан таъминланди ва компьютер Интернет тармоғига уланди. Компьютерлар локал тармоқда серверга уланди. Автоматлаштирилган кутубхонада ҳар бир ходимни автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ) мавжуд. Анъанавий кутубхонадаги каталогнинг аналоги – яъни электрон каталог яратилгандан сўнг автоматлаштирилган китобхон ўрнини юритиш бошланди, яъни ҳар бир китобхоннинг электрон логин пароли шаклланган. Кўп сўраладигани кам нусхадаги адабиётларнинг электрон шакли яратилмокда. Бу электрон каталог асосидаги маълумотлар базаси яратилган. Кутубхонадаги мавжуд бўлган китоб, слайдлар, журнал, газета ҳам электрон шаклда туриши сари ишлар жадаллашган. Электрон кутубхоналарнинг локал тармоқ оркали интеграллашган кутубхона тармоғига уланиши таъминланган.

Ахборот–ресурс марказларини замонавий компьютер технологиялари ва электрон дарсликлар билан таъминлаш бугунги глобаллашув даврининг асосий талабларидан ҳисобланади. Бу олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва бошқа маърифий масканларига йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот–ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхона ва маълумотлар базасидан кенг фойдаланиш имконини яратади. Шунингдек, ахборот–ресурс марказларида ахборотларни йиғиши, умумлаштириш ва сақлаш, китобхонларга хизмат қўрсатиш сифатини ошириш билан бирга китобхонлар сонини кўпайишига ҳам ёрдам беради.

Бугун китобхон ва фойдаланувчилар “ZiyoNET” ахборот таълими тармоғидан эркин фойдаланиш баробарида ахборот-кутубхона муассасалари

базасидаги мавжуд ахборот-технология воситалари ҳамда яратилган электрон ресурслардан фойдаланмоқдалар. Кутубхоначи ходимлар эса муассасалар базаларидаги мавжуд электрон манбаларни китобхон ва фойдаланувчилар ихтиёрига бериш билан бир қаторда фойдаланувчилар учун лозим булган мавзуларда ўзларининг электрон ресрусларини яратиб фойдаланишга бермоқдалар.

Статистик маълумотларига кўра аксарият ота-оналар фарзандларини интернетда ишлашини хавфсиз деб билишар экан. Ҳозирги ёшларнинг ярмидан кўпи Интернет ва компьютер технологияларни ота-оналаридан яхшироқ билиши аниқланмоқда. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган «фильтрлаш» дастурини ўрнатиб қўймаганликлари ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишган. Умуман олганда, ота-оналарнинг аксарият қисми, аникроғи, 90 фоизга яқини фарзандлари интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрда. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хулас, вақтини чоғ ўтказади. Ёшларнинг учдан икки қисми интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир сұхбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи кейинчалик бу муносабатларни реал ҳаётда давом эттирад экан.

Албатта глобал тармоқда болаларнинг хавфсизлиги учун биринчи навбатда ота-оналар жавоб беради. 92% ота-оналар болаларни интернетда ишлаши учун аниқ кўрсатмалар берганлигини таъкидласа, 34% болалар ота-оналари улар учун хеч қандай фойдаланиш учун тўсик ёки меъёрлар белгиламаганликларини айтишган. «EU Kids Online» лойихасининг онлайн-ресурслар дорасида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ахборотларни мавжудлиги «YouTube»да (32%)ни, веб сайтларда (29%)ни, социал тармоқларда (13%)ни ва ўйинларда (10%)ни ташкил этган. «YouTube»даги видео лавҳаларнинг (30%) шафқатсизлик, (27%) порнография ва (30%)дан ортиғи номақбул контентлардан иборат эканлиги, социал тармоқлардаги хавфни (48%)ни ножоиз харакатли ва (30%) номақбул контентлардан, веб сайтлардаги ахборотларнинг (43%) порнография, ўйинларда (39%) зўравонлик, шафқатсизлик билан ёритилган саҳналар мавжудлиги аниқланган.

Интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларни фойдаланишга очиқлиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга

олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб сайтларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Банк ёки кредит карточкасидаги хисоб рақамларни билган болакайлар онлайн савдоларида қатнашиб кичик уйинчоқдан тортиб, энг сўнгги русмдаги автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмоқда. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради.

ХУЛОСА

Виртуал оламда кечеётган зўравонлик, бехаёлик, ўғрилик, бузуқлик эртага реал ҳаётга кўчмайди деб хеч ким кафолат бера олмайди. Интернет кафеларда, уйдаги компьютерларда сайтларни “ковлаётган” болаларнинг ота-оналари уйлаб мулоҳаза юритсалар, фарзандларининг тарбиясига озроқ вақт ажратсалар яхши бўлар эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари компьютер буйича саводхонликларини янада ошириш фойдадан ҳоли бўлмас эди. Бу фарзандларига тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради. Чунки, юқоридаги ҳолатлардан нафақат ўзлари, балки бутун бир жамият зарар кўради.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Ёшларни китоб ўқишига бўлган қизиқишини кучайтиришга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим” деб таъкидлар экан бу суз бoggча, мактаб масъулларидан кура купрок масъулиятни кутубхоначилар олдига миллат ахолиси айникса ёшларнинг мутолаага куникмаси пайдо булиши, китобга булган қизикиши ортиши, китобсевар миллатни шакллантириш вазифаси килиб куйди.

Бунинг учун бугунги кунда технология воситалари ёрдамида яъни масофадан туриб укиш билан бир каторда мамлакатимизда маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, “Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи” эканлигига, халқимиз тилида ҳам китоб ўқиб билим ва муносиб таълим-тарбия олиш, илм-фан билан шуғулланиш бугуннинг талаби эканидан келиб чикиб мамлакат фарзандларининг китобхонлик (мутолаа) маданиятини ошириш тугрисида катор вазифалар амалга оширилмоқда.

REFERENCES

1. Mirziyoyev SH.M. Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish – halqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir. (Prezident Mirziyoyev Shavkat Miromonovichning O'zbekiston ijodkor ziyyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi ma'ruzasi). – “Halq so‘zi” gazetasi, 2017 yil, 4 avgust.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 3271-sон Farmoyishi. “Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatishni rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ibot qilish bo‘yicha komissiya tuzish to‘g‘risida” – “Halq so‘zi” gazetasi, 2017 yil. 13 yanvar.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Ma'naviy – ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to‘g‘risida. – “Halq so‘zi” gazetasi, 2017 yil, 29 iyul.
4. O'zbekiston Respublikasi. Prezidentining 4354-sон Qarori. O'zbekiston Respublikasi aholisiga axborot-kutubxona xizmati ko'rsatishni yanada takomillashtirish to‘g‘risida. .–, Xalk so‘zi,, gazetasi, 2019 yil, 7-iyun.
5. Axborot-kutubxona faoliyati to‘g‘risida: O'zbekiston Respublikasining Qonuni: № O'RQ – 280. 2011 y. 13 apr. // Xalq so‘zi.- 2011.- 14 apr.
6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasini tashkil etish to‘g‘rsida” 2002 yil 12 apreldagi № 123 sonli qarori // Xalq so‘zi.-2002.-12 apr.
7. “Respublika aholisini axborot-kutubxona bilan ta'minlashni tashkil etish to‘g‘risida” O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 381- sonli qarori. 2006 y.20 iyun // Xalq so‘zi.- 2006.- 21 iyun.
8. “2011-2015 yillarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida axborot-kutubxona va axborot-resurs xizmatlarini yanada sifatli rivojlantirish choralari to‘g‘risida”: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2011 y. 23 fevr. 1487 – sonli Qarori // .
9. Karimov I.A. Ma'naviy yuksalish yo'lida: Tarix. Marifat. Ma'naviyat.-T.: O'zbekiston, 1998.- 480 b.
10. Axborot-kutubxona va axborot-resurs markazlar ishini tashkil etish= Organizatsiya raboti informatsionno-bibliotechnix i informatsionno-resursnix sentrov: hujjatlar to‘plami. -T.: Alisher Navoiy nom.O'zbekiston Milliy k-nasinashriyoti, 2007.-170 s.
11. Umarov A.O. Mutolaa madaniyati shaxs, jamiyat, taraqqiyot.- T., 2004.- 169 b.
12. Turopov M.M. YE.K. Betger kutubxonachilik ishini rivojlantirish va O'zbekiston milliy bibliografiyasini tashkil qilishga qo'shgan hissasi // “Betger o‘qishlari” davra suhbati to‘plami.- T., 2001.- B. 33-35.